*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*

*Высшее благо медицины — здоровье*

# O'ZBEKISTONDA SOG`LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2006 йил 25-31 июль № 30 (494) Сешанба кунлари чиқади

## ДРУЖБА ВО ИМЯ ЗДОРОВЬЯ



***19 июля 2006 года в Иностранном предприятии общества с ограниченной ответственностью (ИП ООО) «Vimm - Bill - Dann Toshkent» прошло мероприятие с участием представителей Посольства Российской Федерации в Республике Узбекистан, Министерства здравоохранения и представителей «Vimm - Bill - Dann» - ведущего производителя соков и молочных продуктов в России.***

Заметим, что Открытое акционерное общество (ОАО) «Vimm - Bill - Dann Продукты Питания» (Россия) была основана в 1992 году. Компания владеет диверсифицированным портфелем торговых марок, охватывающим более 1100 типов молочных продуктов и более 150 типов соков, нектаров и прохладительных напитков. Компания занимает лидирующие позиции на рынке молочной продукции. В 2002 году ОАО «Вимм - Билль - Данн Продукты Питания» стала первой российской компанией - производителем продуктов широкого потребления, разместившей свои ценные бумаги на Нью-Йоркской фондовой бирже (NYSE). Одним из главных условий участия в торгах является абсолютная прозрачность активов компании.

ИП ООО «Vimm - Bill - Dann Toshkent», находящийся в столице Республики Узбекистан - Ташкенте, вошел в состав производственно - торговой группы «Вимм - Билль - Данн» с апреля 2004 года. На данное время завод производит традиционную молочную продукцию: молоко пастеризованное, кефир, ряженку, сливки, сметану, творог, сырки, сливочное масло, а также питьевые йогурты. Сегодня ежемесячный объем выпуска молочной продукции 20 наименований достиг 300 тонн. А качество производимой продукции, оценено главными судьями - потребителями.

В связи с тем, что 2006 год объявлен у нас в стране годом благотворительства и медицинских работников, компания «Вимм - Билль - Данн» решила передать автомобиль скорой медицинской помощи «ГАЗель» ГАЗ-32611А «реанимобиль» стоимостью 33328 долларов США Министерству здравоохранения Республики Узбекистан. Автомобиль укомплектован необходимым медицинским оборудованием, что дает возможность оказать качественную экстренную многопрофильную помощь на достационарном этапе. Дабы охрана здоровья людей считается миссией не только нашей страны, но и всего мира в целом.

На торжественном мероприятии участники поближе ознакомились с деятельностью ИП ООО «Вимм - Билль - Данн». Осмотрев цеха, производящие молочную продукцию, они убедились в том, что здесь действительно созданы все условия для производства. В цехах оснащенных современными технологиями не переставая, производятся продукты питания, отвечающие мировым стандартам качества.

Чрезвычайный и Полномочный Посол Российской Федерации в Узбекистане Ф. Мухаметшин в своей речи упомянул о взаимном сотрудничестве наших стран в различных сферах жизни. Было отмечено, что партнерство обязательно принесет свои плоды в процветание и развитие обеих государств.

Председатель Правления компании «Вимм - Билль - Данн» Тони Д. Махер, будучи в Ташкенте с целью знакомства с новым заводом и его деятельностью, выразил свою искреннюю радость, глядя на осуществляемые дела. Вручая ключи и документы от реанимобиля, он пожелал всего самого наилучшего, а особенно крепкого здоровья всему народу Узбекистана.

В свою очередь, Министр здравоохранения Республики Узбекистан Ф. Назиров, отметил, что в 1998 году Указом Президента в республике была принята Государственная программа, определившая поэтапный подход к формированию Национальной модели здравоохранения. Ныне реформирована система первичной медико-санитарной помощи населению, четко организована и успешно функционирует принципиально новая система экстренной медицинской помощи. Служба экстренной медицинской помощи, определяющая уровень работы системы здравоохранения является одним из приоритетных направлений осуществляемой реформы.

Несомненно, предоставленный реанимобиль окажет существенный вклад в улучшение медицинской помощи населению города Ташкента. В этой связи Ф. Назиров выразил надежду на дальнейшее укрепление и расширение сотрудничества между нашими странами и поблагодарил за постоянно оказываемую поддержку и помощь. Проведение данного мероприятия же стало очередным проявлением взаимной дружбы и согласия.

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**
**Фото Аскара ЯКУБОВА.**

*Дил изҳори*

## ШИРИН СЎЗИ ДИЛГА МАЛҲАМ

*Фаолиятда шундай шифокорлар борки, уларнинг бир оғиз ширин сўзлари қалбингга малҳам бўлиб, дарддан фориғ бўлгандек бўласан. Шу каби қалби пок, ширинсухан, меҳрибон тиббиёт ходимларини республикамизнинг даволаш-профилактика муассасаларида учратиш мумкин. Ана шундай ўз касбининг моҳир билимдонлари Навоий вилояти, Кармана тумани марказий шифохонасига қарашли бўлган поликлиникада фаолият олиб боришади.*

Бир неча йилдирки, ушбу поликлиникада қандли диабет бўйича назоратда тураман. Касаллик хуруж қилиши биланоқ, мазкур поликлиникада меҳнат қилаётган малакали шифокорлардан бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш бўйича бош шифокор муовини Муқаддам Пўлатовага мурожаат қиламан. Тажрибали шифокор Муқаддам Пўлатова мени ширинсуханлик билан кутиб олиб, тегишли тавсиялар ёки бўлмаса имтиёзли йўлланма бериб, тезда шифохонага ётишим кераклигини айтади. Шунингдек, у билан ёнма-ён ишлаб келаётган врач-кардиолог Норжон Нурматова, катта ҳамшира Садоқат Примова, ҳудуд ҳамшираси Гулсара Қудратова, муолажа ҳамшираси Руқия Ҳафизова, ўсмирлар шифокори Анвар Ирисқулов, кичик тиббий ходим Азиза Тоғаева, ёшлар поликлиникаси мудири М. Жумаевалар ҳам мурожаат қилиб келган беморлар билан доимий яхши кайфиятда бўлишиб, керакли тиббий ёрдамларини ўз вақтида ўтказиб борадилар.

Аҳволим ёмонлашиб, Муқаддам Пўлатовага мурожаат қилганимда соғлигимни тиклаш учун Семашко номидаги Физиотерапия ва соғломлаштириш илмий-текшириш институтининг асаб касалликлари бўлимига имтиёзли йўлланма берди. 14 кун давомида ушбу масканда даволаниб, бўлим бошлиғи Бўрибой Рўзиқулов ҳамда даволовчи-шифокорим Ш. Абдужалиловаларнинг менга кўрсатган тиббий ёрдамларидан ғоят мамнун бўлдим.

Юқорида тилга олган қалби пок шифокорларимга ўз дил ташаккуримни билдириб, қўллари ҳеч қачон дард кўрмаслигини тилаб қоламан.

**Акабой БЕКНАЗАРОВ,**
**Навоий вилояти,**
**Кармана тумани.**

## ҒОЯТ МАМНУНМАН

Ўн беш йилдирки, юрак хасталиги билан оғриб келаман. Ушбу касаллик бўйича кўпгина шифо масканларида даволаниб чиқдим. Лекин дардимга даво топишим қийин бўлди. Ҳатто, бир неча бор ўлим чангалидан омон қолдим. Руҳим тушиб, яшашдан умидимни узган бир пайтимда менга Нигора Искандарова деган тажрибали шифокор борлигини айтиб қолишди. Шундан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туман марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлими шифокори Нигора Искандаровага бориб учрашдим. Хушмуомалали шифокор Нигорахон мени илиқлик билан кутиб олиб, керакли маслаҳатларини бериб, ётиб даволанишим кераклигини айтди. Унинг қалбимга берган далдаси, тавсия этган барча маслаҳатлари яшашга бўлган умидимни қайта уйғотди. Шундан сўнг, ички касалликлар бўлимида даволаниб, тинка-мадоримни қуритган касалликдан аста-секинлик билан фориғ бўла бошладим. Шу билан бирга бўлимда даволаниб кетаётган беморлардан ҳам Нигорахон тўғрисида мамнунлик туйғуларини эшитиб, бу ажойиб инсон мен ўйлагандан ҳам ортиқ моҳир шифокор эканлигига амин бўлдим.

Ҳа, Нигора Искандаровадек шифокорлар бор экан, беморлар қалби ҳеч қачон озор чекмайди. Дард эса унинг бир оғиз ширин сўзи-ю, малакали муолажаси билан инсон танасидан эрта фориғ бўлади. Мен дилим тубидаги ташаккуримни севимли «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали Нигорахонга билдирар эканман, доимо эл дуосига мушарраф бўлиб, оиласи бахтига соғ-омон бўлишини тилаб қоламан.

**Турдибой КУЗДИБАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси,**
**Тўрткўл тумани, Шўрохон ш/х.**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73**

Здравоохранение Узбекистана

*Менга сўз беринг*

# ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

***Дунёда глобал муаммога айланган гиёҳвандлик, ОИТС (СПИД) ҳамда ичкиликбозлик сингари жирканч иллатлар ҳамон инсонни таҳликага солиб келмоқда. Бу муаммо бўйича нафақат бир ҳудуд, балки бутун ер юзида тинимсиз курашлару мақсадли ғоялар, амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Ватанимизда ушбу дарди-бедавога қарши кураш, унинг олдини олишда ҳукуматимиз ва асосан тиббиёт ходимлари кенг миқёсда самарали ишларни олиб боришмоқда. Чунки, бу иллатларни даволаш ва тўхтатиб қолишнинг ўзи муаммо экан, республикамиздаги ОИТС, гиёҳвандлик сингари марказлардан тортиб, диспансерларгача ўзларига асосий вазифаларни белгилаб олиб, узлуксиз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Яқинда биз Жиззах вилояти наркология диспансерида бўлиб, у ердаги иш жараёнлари ва фаолиятлари билан танишиб қайтдик. Танишиш асносида диспансернинг ёш, талабчан, ташаббускор бош шифокори Нодира Одилова билан суҳбатда бўлдик.***



— Тошкент Давлат тиббиёт академияси (1-ТошДавТИ)нинг даволаш факультетини тугатгач, она-юртимга қайтдим ва бир қанча тиббиёт муассасаларида фаолият юритдим.

2002 йилнинг октябрь ойида Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи Ибрагим Ўринбоев мени қабулига чақириб, вилоят наркология диспансерида бош шифокорлик лавозимида фаолият олиб боришимни айтди. Даставвал, бу ишончни оқлай олармиканман деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, қандайдир шижоатми ёки айни кунда долзарб муаммо бўлиб турган гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш ҳиссиёти туғилдими, йўқ дея олмадим. Диспансерга илк келган куним, тўғрисини айтсам, гўёки бир ташландиқ, кўримсиз жойга тушиб қолгандек бўлдим. Бошида хавотирга туша бошладим. Бу муассасани қандай қилиб, ўзига келтиришим, даволанаётган беморлар учун имконият ва шароитларни яратиш муҳимлигини ўйлай бошладим. Ниҳоят, вилоятимиздаги тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган тажрибали шифокорлардан керакли маслаҳатларни олдим. Қандайдир куч менга астойдил ишлашга, кимлар учундир яхшилик қилишга ундади.



Диспансернинг бугунги кўриниши.


Беморлар учун яратилган шароитлар.

Ишни аввало 40 қатновга мўлжалланган диспансерни таъмирлаш ишларидан бошладим. Бу орада бор кадрлар билан биргаликда фаолиятни ҳам давом эттирдик. Ўтган тўрт йил мобайнида 60 ўринга мўлжалланган наркология мажбурий стационарини ҳам таъмирлаб, беморлар учун барча қулай имкониятларни ярата бошладик. Амалдаги ишлар ўз самарасини бергунча мурожаат қилган муассасам қолмади. Айни кунда ҳам таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Мен асосий фикрларимни таъмирлаш ишларидан бошладим, лекин биринчи галдаги вазифамиз вилоятимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига қаратилган бўлиб, диспансерда тиббиёт ходимларининг ишлаши ҳамда беморларнинг мурожаат қилишлари учун барча имкониятларни йўлга қўйдик. Муассасамизда 9 нафар врач, 28 нафар ҳамшира фаолият юритади. Уларнинг беморлар билан ишлаши бироз мушкул. Чунки, гиёҳвандлик ва ичкилик билан оғриган беморлар билан суҳбатда бўлиш, уларнинг дардига қулоқ тутиш тиббиёт ходимидан сабр-тоқат талаб қилади. Шу сабабли ушбу дардга чалинган фуқаролар учун алоҳида аноним хоналари ташкил этилган бўлиб, бемор тўғрисидаги маълумотлар сир сақланади. Юқорида таъкидлаганимдек, 2 та бўлим, яъни гиёҳвандлик ва мажбурий стационарларда беморлар даволанишади. Ҳар қайси бўлим ўттиз койкадан иборат бўлиб, улар бугунги кун замон талаблари даражасига жавоб бера оладиган тарзда таъминланган.

Бўлимларда даволанадиган беморлар ихтиёрий ҳамда мажбурий равишда даволанадилар. Мажбурий даволанишда фуқаролар ички ишлар бошқармаси томонидан хулоса билан келишади. Улар узоқ даволанишади. Ихтиёрий даволаниш эса бемор ва унинг оила аъзолари розилиги билан амалга оширилади. 30-35 ёшли йигит-қизлар орасида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ҳолатлари мени мутахассис сифатида ташвишга солади. Шунингдек, 44 ёшдан 58 ёшгача бўлган оилали эркакларнинг ичкиликка ружу қўйганликлари ачинарли ҳолатдир. Гоҳида ўйланиб қоламан: бундай иллатнинг илдиз отишида асосий сабаб нимада экан, деб. Аксарият ҳолларда бу касалликни ўзига тўқ, оилада бекаму кўст яшайдиган ёш йигит-қизларда учратаман. Бу ҳақда вилоят миқёсида тадбирлар ўказилмоқда, ундан ташқари, оилаларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўйлайманки, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ана шундай жирканч касалликларнинг олдини олсаккина, соғлом ота ва онадан тўрт мучаси соғ бўлган фарзандлар дунёга келиши муқаррар.

Диспансеримизда барча ишлар йўлга қўйилди, деб айта олмайман. Муаммоларимиз жуда кўп. Айниқса, кадрлар масаласининг етишмаслиги ишларимизга панд бериб қўйяпти. Бу масалаларни бартараф этиш ва ҳал қилишда мутасадди раҳбарларимиз астойдил ёрдам берсалар яхши бўларди.


Муолажа ҳамшираси Нигора Халилова иш пайтида.

## Бу йўлдан қайтмоқчиман

*Гиёҳвандлик бўлимига кириб борар эканман, юзларидан ажин, кўзлари олазарак, қўлларидан қалтироқ ва чеҳрасидан ҳорғинлик кайфияти кетмаган инсонларга қараб юрагим алланечук бўлиб кетди. Наҳотки, бу инсонлар соғлик, оила ва фарзандлар камолини кўрищдек бахтдан бебаҳра бўлиб ўтсалар. Наҳотки, ҳаётнинг бетакрор инъомлари улардан йироқ бўлса, деган фикрларни бирма-бир хаёлимдан ўтказдим ва лаблари титраб, аллақандай сўз демоққа чоғланаётган бемор сўзларига қулоқ тутдим.*

— Мана 10 ойдирки, ушбу диспансерда мажбурий тарзда даволаниб келяпман, — **дейди 55 ёшли бемор.** — Бир-икки марта спиртли ичимлик ичганимдан сўнг, оилада келишмовчилик ҳолатлари юз бера бошлади. Негадир, бу руҳий ҳолат менга ўз таъсирини ўтказиб, оқибатда ҳар кун ичадиган бўлиб қолдим. Оилам ва фарзандларимнинг дод-фарёдлари қулоғимга кирмас эди. Ҳатто, қўни-қўшни, оғайниларим ҳам мендан юз ўгиришди. Ниҳоят, туман ИИБнинг топшириғига биноан шу муассасага келтирилдим. Ўшандан бўён даволаш муолажаларини олиб келмоқдаман. Аҳволимда бир оз бўлсада ўзгариш бор. Лекин пушаймоним ичимда. Чунки, гулдай оилам ва фарзандларимдан йироқлашдим. Энг ёмони инсонлар орасидан узоқлашиш экан. Кечалари ухлаб, кўзларимга уйқу келмайди. Нега умримга завол бўладиган боши берк кўчага кириб қолдим, деб афсусланаман. Энди эса бу йўлдан қайтишим ва фарзандларим учун оталик бурчини давом эттиришим керак. Лекин мени оила аъзоларим кечирармикан?

Ака-укалар, дўсту биродарлар сизлар мендек йўлдан адашманг заҳри қотилни оғзингизга олманг. У ўзингизни ва оилаъзоларингизни хонавайрон қилади. Шунинг учун қадамингизни ўйлаб босинг ва йигитлик қувватингизга путур етказманг.

— Гиёҳвандлик деса қалбим изтиробга тўлиб кетади, — **дея хотирлайди 44 ёшли бемор.** — Изтиробли ички ўкинч билан эслайманки, турмуш ўртоғим ва болаларимни ҳақоратлаганим, оиламиз учун жамғарилган пулларни гиёҳвандликнинг қора оғуси йўлида сарфлаганим ҳамда уйдаги бор нарсаларни сотиб, ўз нафсимни қондирганим мана бугунда мени бир умр пушаймонлик домига судрамоқда. Дўст бўлиб ёнимда юрган қадрдонларимнинг қилган хиёнатлари ва мансаб курсиси йўлидаги қарама-қаршиликлари мени ниҳоятда эсанкиратиб, натижада гиёҳвандликнинг ёвузлик кўчасига бошлаб келган эди. Ва ниҳоят, мен учун ҳамма нарса унут бўлиб, ҳаётимнинг энг оғир, аламли кунлари бошлангач, бу изтиробли дамларни гиёҳвандликнинг қора оғусидан ола бошладим. Бу узоққа чўзилмади. Хонавайрон бўлдим. Ҳурмат ва обрў-иззатдан айрилдим. Хуллас, дардим бедаволигини билиб, ушбу диспансерда даволанишга рози бўлдим. Мен ҳаётда энг қимматли нарсаларимни йўқотдим. Ота-онам, акаопаларим, оилам ва фарзандларим меҳридан узоқлашдим. Айни кунда диспансер шифокорлари томонидан даволаниб, меҳнат терапияси билан шуғулланяпман. Бу ердаги шароит ва имкониятлар бизга ўхшаган инсонларни ўз йўлимизни топиб кетиш ва хатоимизни англаб етишда ёрдам беришига ишонаман.

Мен бундай жирканч йўлга кириб кечирилмас хатога йўл қўйдим. Ҳеч кимга ўз кунимни раво кўрмайман. Ҳар бир инсон ана шундай заҳри қотил кўчасига кирмаслигини ва оиласи бағрида яйраб яшашини тилаб қоламан.

**Мен аввало фаолиятни бош шифокор хонасидан бошлар эканман, ёш, талабчан, жонкуяр Нодирадаги шижоат ва ташаббусга бўлган иштиёқни кўриб, бугунги кун ёшларининг чақноқ калбларида касбга бўлган қайноқ меҳрни туйдим. Стол устида турган альбомни варақлай бошладик. Бундан тўрт йил олдинги диспансернинг кўриниши ва фаолияти ҳамда бугунги кундаги қиёфасини солиштириб кўрдик. Унинг олдинги қиёфаси табиатимизни хира қилган бўлса, айни кундаги кўриниши эса қалбимизни тўлқинлантирди. Кўз билан кўрганга нима етсин дея бўлимларга қадам ранжида қилдик. Дид билан таъмирдан чиқарилган физиотерапия ва дам олиш хоналарининг тиббий асбобускуналар ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги бизни бефарқ қолдирмади. Хоналарни бир-бир кўздан кечирар эканмиз, даволанувчилар учун янги кўрпа-ёстиқ, кийим-кечакларнинг олинганлигини кўриб, бехосдан бизда савол туғилди. Бундай сифатли ва янги нарсалар кимнинг ҳомийлиги ҳисобидан олинди, деганимизда Нодира Одилова шундай жавоб берди:**

**— Биз диспансеримиздаги ушбу нарсаларни Вазирлар Маҳкамасининг 276-қарори асосида ташкил этилган жамғарма фондидан олишга муяссар бўлдик.**

**Умидли, ёш, қалби меҳнат иштиёқи билан ёнган Нодиранинг тиришқоқлик билан иш бошлагани Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров томонидан эътироф этилгач, унга 2004 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди. Биз шу ўринда бундан-да юксак мукофотлар Нодирага ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.**

**Суҳбатдош: Ибодат СОАТОВА.**

# Лойиҳа ижроси амалда: СИРДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИ

2006 й
№ 4

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

Осиё тараққиёт банки

Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

## «Саломатлик — 2»
## «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари





## «Health — 2»
## «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

## Проекты «Здоровье — 2»
## «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»

***Сизга маълумки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, яъни қишлоқ врачлик пунктларида ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, «Саломатлик-1» лойиҳасини жорий этиш бўйича республикамиз миқёсида Фарғона, Сирдарё ва Навоий вилоятлари тажриба асосида олинган эди. Биз ушбу вилоятлардан, биргина Сирдарё вилоятининг қишлоқ врачлик пунктларида уч маротаба хизмат сафарида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар бўйича газетамиз саҳифаларида батафсил маълумот берганмиз. Қарангки, «Саломатлик-1» лойиҳасидан кўзланган асосий вазифалар ўзининг ижобий натижаларини бергач, бу жараёнларни кенг ва мукаммал даражада татбиқ этиш янада кенгайтирилди. Айниқса, 2005 йилдан бошлаб «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш», «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилиши билан унинг таркибига республикамизнинг барча вилоятларидаги тиббиёт муассасалари киритилди ва бу устувор вазифаларни бажариш юзасидан жойларда лойиҳа асосида бир қанча ишлар бошлаб юборилганлигининг бугун гувоҳи бўлиб турибмиз. Агарда газетамиз саҳифаларини кузатиб бораётган бўлсангиз, унда бевосита «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида қурилаётган, техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган замонавий ҚВПларнинг айни пайтдаги фаолиятларини кўришингиз мумкин. Навбатдаги уюштирилган хизмат сафаримизда бундан бир неча йиллар муқаддам «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича мустаҳкам пойдеворни қўйган, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда етарли тажрибага эга бўлган Сирдарё вилоятининг қишлоқ врачлик пунктларида бўлдик. У ерга боришимиздан асосий мақсад, нафақат лойиҳа фаолиятини кузатиш, балки «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳасидаги фарқли ўзгаришлар, тафовутли жиҳатлар ва амалий натижаларни ўрганишдан иборатдир.***

# ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛЛАР, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР



***— Янги технологияларнинг афзаллиги, уларнинг таҳлил натижаларини тез ва сифатли чиқаришида деб биламан,*** — дейди Ховос туман марказий шифохонасининг лаборатория бўлими мудири Зулфия Тоғаева.

### «Саломатлик-1» лойиҳаси: қиёсий хулосалар

«Саломатлик» лойиҳаси асосан уч қисмдан иборат бўлиб, жойларда белгиланган компонентлар асосида керакли тадбирлар муваффақиятли якунланди.

***Лойиҳанинг биринчи компоненти ҚВПларни қуриш ва жиҳозлаш ишларига қаратилган:***

*а) 1996 йилдан то ҳозирги кунгача жами 144 та ҚВП ташкил этилди (шундан янги лойиҳа асосида қурилгани 83 та, қайта ташкил этилганлари эса 47 та, фойдаланилмаётган бўш биноларни мослаштириш ҳисобига янгидан қурилган ҚВПлар сони 14 та);*

*б) Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит ҳисобидан барча ҚВПлар зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва дори-дармонлар билан таъминланди;*

*в) лойиҳа асосида туман марказий шифохоналарида замонавий технологиялар билан жиҳозланган лаборатория хоналари ташкил этилди.*

***Лойиҳанинг иккинчи компоненти — тизимнинг бирламчи бўғинида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш:***

*а) вилоятнинг 150 нафардан ортиқ шифокорлари Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия институтлари қошидаги 10 ойлик курсларда таҳсил олдилар;*

*б) 2001 йилдан бошлаб, ҚВП шифокорлари ва ҳамширалари учун қисқа курслар жорий этилиб, ҳамширалар учун эса умумий амалиёт ҳамшираси 1 ойлик ўқув курслари ўтказилди;*

*в) 23 нафар ҚВП умумий амалиёт шифокорлари Эстония давлатига тажриба ўрганиш учун бориб келдилар.*

***Учинчи компонент — соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинига юридик мустақиллик бериш жараёни ва бюджетни «Жон бошига маблағлар ажратиш тамойили бўйича шакллантириш»ни ўз ичига олади:***

*а) вилоятнинг Боёвут, Мирзаобод ва Сирдарё туманларида 2001 йилдан бошлаб молиявий тажриба йўлга қўйилди ва бугунги кунга келиб, вилоятнинг барча туманларида, жумладан, 138 та ҚВПда юридик мустақил фаолият юритиш мақоми берилди.*

**Айни пайтда аҳолининг ҚВПларга бўлган эҳтиёжи ва талаби ортиб бормоқда.**

Олиб борилган кузатувлар, таҳлилий хулосалар, амалий фаолиятлар шуниси билан характерлики, бу ҳар бир мутахассисни янада изчиллик ва шижоат билан ишлаш кераклигига даъват этаверади. Биз сафар чоғида юқоридаги фикрлар қанчалик ҳақиқат эканлиги ва бу борада мутасадди раҳбарлар жонкуярлик билан лойиҳа устида иш олиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Яхши биламизки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан тизимнинг бирламчи бўғинини шакллантириш бош масалага айлангач, асосий эътибор аҳолининг малакали ва сифатли тиббий хизматдан фойдалана олиш имкониятларига қаратилди. Бу борада етарли тажрибага эга бўлган Сирдарё вилоятининг қишлоқ врачлик пунктлари «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида ҳам кўпгина амалий ишларни бошлаб юборганлигига амин бўлдик. Сабаби, «Саломатлик-1» лойиҳаси вилоят бўйлаб татбиқ этилгач, аҳолининг эҳтиёжи ва талабига хизмат қиладиган замонавий типдаги қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди, уларнинг таркиби эса керакли тиббий асбоб-ускуналар билан бойитилди, қисқа қилиб айтганда аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи ва талаби ортди. Бу билан вилоятда лойиҳа ижросини таъминлаш бўйича ишлар тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, фаолиятлар кўлами янада кенгайтирилди, навбатдаги режалар фаоллик билан олиб борилмоқда. Келинг, лойиҳанинг кеча, бугун ва эртасига разм солайлик. Улар орасидаги айрим жиҳатларни синчковлик билан ўрганайлик.

### «Саломатлик-2» лойиҳаси: эътиборли жиҳатлар

2005 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Саломатлик-1» лойиҳаси жорий этилмаган ҚВПлар ва Гулистон шаҳрида эксперимент тариқасида умумий амалиёт шифокорларини жорий этиш билан «Саломатлик-2» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай лойиҳада кўрсатиб ўтилган вазифалар деярли амалиётда ўз аксини топаётганлиги бизни қувонтиради.

***Биринчи компонент — тизимнинг бирламчи тиббий бўғини моддий-техник базасини бойитиш ва умумий амалиёт врачларини тайёрлаш:***

*а) 2003-2005 йиллар давомида ташкил этилган 23 та ҚВП «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида тиббий жиҳозлар билан таъминланиши режалаштирилган ва шу йил давомида эса 5 та ҚВП замонавий типда қурилиб, жиҳозланиши режалаштирилган. Ҳозирга келиб, Боёвут туманидаги «Олмали» ва Ховос туманидаги «Карвонсарой» ҚВПларида қурилиш-монтаж ишлари якунланди. 3 та ҚВП Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши белгилаб қўйилган.*

*б) 2005-2006 ўқув йили учун 8 нафар ҚВП врачлари ва 6 нафар поликлиника шифокорлари Тошкент шаҳрида 10 ойлик ўқув курсларида таҳсил олдилар. Яна 18 нафар шифокорнинг келгуси ўқув йилида таҳсил олиши режалаштириб қўйилган.*

***Иккинчи компонент — бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида молиялаштириш ва бошқариш тизимини ислоҳ қилиш:***

*а) муассасани молиялаштириш «Саломатлик-1» лойиҳасидан олинган тажриба асосида шаҳар поликлиникалари ва янгидан ташкил этилган ҚВПларда бевосита татбиқ этилди;*

*б) ҳозир ҳар бир ҚВП ўзининг менежери, алоҳида ҳисоб-рақами, муҳр ва штампларига эга;*

*в) ҳар бир поликлиникада янги штатлар нормативи ишлаб чиқилди ва бу янги штатлар нормативи 2007 йилдан бошлаб амалга оширилади.*

***Учинчи компонент — жамоатчилик соғлигини сақлаш тизимини ривожлантириш:***

*а) сил, ОИТС/ОИВ ва бошқа юқумли, зарарли касалликлар бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда;*

*б) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 6 майдаги «Жамоатчилик соғлигини сақлашда тиббиёт муассасаларида маълумотлар базасини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғига асосан ДСНЭМ, сил, юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, тери-таносил, ОИТС йўналишлари бўйича маълумотлар базаси вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, республика лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тақдим этилди;*

*в) «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятида 2 йўналишда тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.*

***Хавфсиз қон билан таъминлаш тизимини шакллантириш компоненти бўйича:***

*а) ушбу компонент доирасида вилоят қон қуйиш станциясининг тиббий жиҳозлар билан таъминланиши лойиҳалаштирилган. Бугунги кунда вилоят қон қуйиш станцияси белгиланган талаблар асосида мукаммал таъмирланди.*

**Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, лойиҳанинг мантиқий давоми сифатида «Саломатлик-2» лойиҳаси аввалгиларга қараганда анча такомиллашган ва кенгайган кўринишда акс этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
Осиё тараққиёт банки
gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2006 й. № 4

**«Саломатлик — 2»**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**



**«Health — 2»**
**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**
**Проекты «Здоровье — 2»**
**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**



# АҲОЛИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА

*Усмон Носир қишлоқ врачлик пункти ҳам «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича қурилиб, зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эди. Синчиклаб кузатадиган бўлсак, ҳеч қайси ҚВПнинг қурилиш тизими бир-бирига ўхшамайди. Ҳаммаси ҳам янгича лойиҳа ва стандартлар бўйича бунёд этилганини кўрамиз. Лойиҳанинг мақсадларидан келиб чиқадиган бўлсак, бирламчи бўғин ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари ҳам дастлабки йиллардаёқ амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунда «Саломатлик-2» лойиҳасининг мантиқий давоми бўлиб юритилаётган ислоҳотлар бевосита юқоридаги ишларнинг такомиллаштирилган бир кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. 2005 йилдан бошлаб навбатдаги «Саломатлик-2» лойиҳасининг ҳудуд аҳолиси орасида татбиқ этилиши бошқа вилоятларга қараганда анча самаралироқ кечмоқда, десак хато бўлмайди.*

*1674 нафар аҳолисига эга бўлган Усмон Носир қишлоқ врачлик пункти 50 қатновга мўлжалланган. Айни пайтда умумий амалиёт шифокори билан 4 нафар ҳамшира, шунингдек, бўлим бекаси, санитар-фаррош ва лойиҳада белгилаб ўтилган менежер ишчи ўринларининг ташкил этилганлиги аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишдаги асосий вазифаларни бажармоқдалар. У даражада катта бўлмаган қишлоқ врачлик пункти хоналарини кўздан кечирар эканмиз, ҳар бир хонанинг ўзига хос ва мос тарзда жиҳозланганини кўрдик. Физиотерапия ва муолажа, эмлаш хоналарида беморлар навбатдаги даво муолажалари олаётганларини кўрдик. Баъзилари билан суҳбатлашдик. Қарангки, ҳар бир фуқаро қишлоқ врачлик пунктлари тўғрисида ижобий фикрларини билдирди. Биз ҳам ўз ўрнида улардан бирламчи бўғинлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тилаклари билан ўртоқлашдик. Ҳақиқатда, ушбу даво масканларининг барпо этилаётганлиги, нафақат беморларга, балки барчамиз учун ҳам манзур бўлмоқда. Чунки, аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ ҳудудларида яшайди. Демак, юқорида таъкидланаётган қишлоқ врачлик пунктларига бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам шунчалик катта.*

*Жумладан, Усмон Носир қишлоқ врачлик пунктининг амалдаги фаолияти кишини қувонтиради. Тўғри, баъзи камчилик ва муаммолар бўлиши мумкин. Айрим пайтларда телефон, рация хизмати ва лаборатория учун реактивларнинг етишмаслиги сезиларли даражада бўлиб турсада, ўйлаймизки, бошланган «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида бу каби муаммолар узил-кесил бартараф этиб борилади.*



**Беморларга нисбатан эътиборли ва хушмуомалада бўлиш Усмон Носир қишлоқ врачлик пункти ходимларининг доимий шиорига айланган.**

**Нафиса ЖЎРАЕВА,**
**Усмон Носир қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси.**

— Ҳамширалик ишига бўлган эътибор кучайгач, умумий амалиёт ҳамширасини тайёрлаш ишлари жадаллик билан бизнинг вилоятимизда ҳам бошлаб юборилди. Шуниси муҳимки, бошқа вилоят ҚВПларига қараганда бизнинг пунктларимизда ҳамшираларнинг иш фаолияти изчиллик билан тўғри ташкил қилинган. Чунки, ҳамшира универсал бўлиши керак. Вақти келганда доя, муолажа, лаборатория ҳамшираси сифатида ҳам бемалол иш олиб боради.



Жумладан, ўзим ҳам юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳамшира бўлиб, махсус ўқув курсларида таҳсил олдим. Ҳозир ўз устимда ишлаб, аксарият вақтимни аҳоли билан ўтказишга ҳаракат қиламан. Чунки, халқ билан ишлаш менга завқ бағишлайди. Менимча, бу завқ ишимнинг асосий мазмуни бўлса керак. Қабулга бир кунда 30-40 нафарга яқин қишлоқ аҳолиси мурожаат қилади. Яхши биласиз, айни кунларда эмлаш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида ошқозон-ичак ва бошқа юқумли касалликларнинг авж олиши кўпроқ меҳнатни ҳамда ўта ҳушёрликни талаб этади. Бир томони касалликни аниқлашга ёрдам берадиган янги технологияларнинг мавжудлиги ҳам ишларимизни бир мунча енгиллаштирмоқда. «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича кўпгина замонавий аппаратуралар келтирилган бўлса, «Саломатлик-2» доирасида эса асосий эътибор имкониятларни чуқурлаштириш баробарида кўпроқ меҳнат ва амалий фаолиятларни такомиллаштиришга қаратилмоқда. Албатта, халқ билан ҳамжиҳатликда ишлаш, ҳар бир ходимнинг асосий меҳнат жараёнидир, деб биламан.



**Бобоқул АҚҚИЕВ,**
**Ховос тумани, "Зафаробод" қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори.**

— Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-2107 сонли Фармонига асосан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий санитария муассасаларида, қолаверса бизнинг қишлоқ врачлик пунктимизда 2003 йилдан буён кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудимизда "Саломатлик-1" лойиҳасининг татбиқ этилиши ўзининг бир мунча афзалликларини кўрсатди. Шунингдек, Давлат дастури билан белгиланган бирламчи тиббий санитария муассасалари ичида "Зафаробод" қишлоқ врачлик пунктимиз ҳам Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон Банки ўртасида тузилган шартномага асосан тиббий асбоб-ускуналар билан юз фоиз жиҳозланган эди.

Бундан ташқари, ходимларимиз ҳам вақти-вақти билан "Саломатлик-2" лойиҳаси дастури асосида ўз билим ва малакаларини ошириб туришибди. Лойиҳа татбиқ этилгандан буён, аҳолининг қишлоқ врачлик пунктларига бўлган қатнови ошди. 2005 йилда "Саломатлик-2" лойиҳасининг иш бошлагани фаолиятда ўзига хос ўзгаришга эга бўлди. Айниқса, муассасамизда иш юритаётган 7 нафар ҳамширанинг аҳоли орасида бўлиб, ўз вазифаларини сидқидилдан бажарганликлари туфайли юқумли касалликларнинг олди олинаяпти, инсонларнинг ўз соғлиқларига бўлган эътиборлари ошиб бормоқда. 3349 нафар аҳолига қўлимдан келганча тиббий ёрдамимни кўрсатиб келмоқдаман. Бундан беш йил олдин "Саломатлик-1" лойиҳаси дастури асосида 10 ойлик ўқув курсини тугатдим. Ана шунинг маҳсули бўлса керак, айни кунда стоматология хизматидан ташқари барча йўналишдаги тиббий ёрдамларни беморларга кўрсата оламан. Эндиликдаги мақсад ва вазифамиз янада мустаҳкам ирода билан ишлаб, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини оқлаш ва муассасадаги мавжуд технологиялардан унумли фойдаланиш.



**Асолат ФАРМОНОВА,**
**Ховос тумани, "Зафаробод" қишлоқ врачлик пункти дояси.**

– Бизнинг фаолиятимиз кўпроқ ҳомиладор аёллар билан ишлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳудудимиздаги ҳомиладор аёллар ва ёш болали оналар билан доимий тарзда турли мавзуларда тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз. Айни пайтда аёлларимизда экстрагенитал, пиелонефрит, камқонлик каби касалликлар кўпроқ учраб турибди. Буларни даволаш учун барча турдаги дори-дармонларимиз етарли. Шуни айтишим кераккки, кўпчилик аҳолининг тиббий саводхонлиги етарли даражада эмас. Бу борада тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кўпроқ олиб борсак, кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Энг асосий вазифамиз ҳомиладор аёлларни ўз вақтида назоратга олиб, уларни белгиланган вақтда тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда она ва бола соғлигини кузатиб боришдан иборатдир. Шу билан бир қаторда назоратни янада кучайтириш мақсадида, ёш оналар учун уй карталарини очганмиз. Бундан ташқари, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш бўйича ҳам тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-2" лойиҳасининг жадаллик билан олиб бораётган фаолияти оналик ва болаликни муҳофаза қилишда асосий ўринда экан, ҳудудимизда истиқомат қилаётган аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашда фаоллик билан иш олиб боришни муҳим деб биламан.

**Шоира ЖАЛИЛОВА, бемор.**



— ҚВПнинг очилгани жуда яхши бўлди-да. Аввалари бир неча чақирим йўл босиб, туман шифохонасига мурожаат этишга тўғри келарди. Ҳозир эса ана шундай муассасаларнинг қишлоғимиз ичида бунёд этилганлиги шу ерлик аҳоли учун анчагина қулайликларни яратиб бермоқда. Олдин ҳам бу каби амбулатория пунктлари бўлган. Лекин улардаги шарт-шароит ва имкониятлар бу даражада кенг эмас эди. Баъзан хона муаммоси бўлиб турарди. Оддийгина қон ва бошқа таҳлилларини аниқлаш учун туман шифохонасига бориб келардик. Ундан ташқари, ҳамшираларнинг халқ орасида юриб, уларнинг тиббий аҳволини назорат қилиш, биринчи ёрдам кўрсатиш хизматлари бугунги кундагидек эмасди. Ўзим неврит касаллиги билан ҚВПда рўйхатда тураман. Агарда аҳволимда бирор ёмон ўзгариш бўлса, ҳамширалар тезда уйимга етиб бориб, керакли муолажаларни берадилар, шунда уларнинг маслаҳат ва тавсиялари тиббиётга бўлган ишончимни янада орттиради.

Мана, ҳозир ҳам физиотерапия хонасида навбатдаги муолажани олаяпман. Тиббиёт ходимларининг биз билан ҳамжиҳатликда, ёнма-ён туриб ишлашлари ҳам аҳволимизни яхшиласа, ҳам соғлигимизга нисбатан эътиборлироқ бўлишга ундайди. Шу сабабли, ана шундай кичик даволаш масканлари кўпайишининг тарафдориман.

# ИМКОНИЯТЛАР БОР – ФАҚАТ МЕҲНАТ КЕРАК



**ҚВП тасарруфидаги тез тиббий ёрдам шахобчаси ташкил этилгани ва шошилинч тиббий ёрдамнинг ўз вақтида малакали ходимлар томонидан бажарилаётганлигидан аҳоли мамнун.**

*Сафаримиз давомида Ховос туман марказий шифохонасига қарашли «Бобур» қишлоқ врачлик пунктида бўлдик. Муассасадаги боҳаво жойлар, сўлим табиат, кенг ва шинам хоналар, зарурий тиббий технологик жиҳозлар, «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаларининг амалий ва татбиқий натижалари кўзлаган мақсадларимизга озми-кўпми ойдинлик киритди. ҚВП мудири, умумий амалиёт шифокори Абдураҳмон Ботировнинг бевосита ташаббуси, тинимсиз саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган мазкур хизмат кўрсатиш маскани бугунги кунда 5880 нафар аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Авваллари кўримсиз, таъмирталаб аҳволга келиб қолган, чегарадаги хавфли вазиятлардан доимий хавотир остида бўлган ҚВП кўрганингиздек, замонавий кўринишдаги масканлардан бирига айланган. Демак, «Саломатлик-1» лойиҳасининг барча компонентида белгилаб қўйилган вазифалар бўйича олиб борилган самарали меҳнатлар зое кетмаганлигига ишончимиз ортади. Ушбу муассаса бошқа ҚВПларга қараганда хизмат кўрсатиш имконияти ва доираси кенглиги билан ажралиб туради. Чунки, бу ерда биз нафақат умумий хоналар, балки стоматология, Ховос туман тез тиббий ёрдам бўлимининг Бобур шахобчаси ҳам мавжудлигини кўрдик.*

*— «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича керакли имкониятларга эга бўлган бўлсак, эндиликда эса асосий меҳнат фақат ишлашни талаб этмоқда. Мана ҚВПмиз ўзининг юридик мақомига эга бўлиб, ўз ҳисоб рақами бўйича асосий фаолиятни олиб бормоқда. ҚВПнинг яна бир қулайлиги бу тез тиббий ёрдам шахобчасининг ташкил этилганлиги деб биламан. Чунки, ҳар хил тасодиф бўлиши мумкин. Унинг устига чегарадош ҳудудда яшаймиз. Биласиз, ҳавонинг иссиқ кунлари ошқозон-ичак касалликлари кенг тарқалади. Бу вақтда касалликнинг олдини олиш ва эмлаш ишларини ўтказиш ўта муҳим ҳисобланади. Яна бир нарса, чегара ҳудудидан баъзи касалликларнинг юқиш эҳтимоли кўпроқ. Масалан, яқинда сил ва безгак касаллигига қарши аҳоли орасида эмлаш ишларини тез ва кечиктирмай ўтказдик. Шунингдек, беморларни даволашда дори-дармон масалаларида айтарли муаммолар йўқ.*

*— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ҳудудимиздаги 4 та фермер хўжалиги ҚВПни ҳомийликка олиб, ёрдам бериб турибди. Насиб қилса, яқин кунларда моддий-техник базани бойитиш учун бу фермер хўжаликлар ҳисоб рақамимизга 250 минг сўмдан ҳомийлик кўмаги ўтказишларини айтдилар, — дейди ҚВП мудири, умумий амалиёт шифокори Абдураҳмон Ботиров.*

**Турсуной ҲАЙИТҚУЛОВА,**
**Ховос туман тез тиббий ёрдам бўлимининг «Бобур» шахобчаси фельдшери.**

— ҚВПда ушбу шахобчанинг ташкил этилганлиги назаримда халқнинг асосий эҳтиёж ва талабларига хизмат қилмоқда. Фаолият юритишим давомида шу нарсага амин бўлдимки, демак, тез тиббий ёрдам ҳар бир муассаса учун зарурат бўлиши керак, айниқса, кўп сонли аҳоли яшайдиган ҳудудда унинг ўрни катта эканлигини сезиш мумкин. Бир кунда 10 тага яқин чақирувлар бўлиб туради. Бўлаётган шошилинч чақирувлар асосан қон босими кўтарилган, юрак хуружи бўлган, талваса ва йўл ҳалокатига учраган, баъзан оилавий муаммолар сабаб нохуш ҳолатларга дуч келган беморлар орасида кузатилади. Имкон қадар аҳолига биринчи шошилинч ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Даволаниши лозим бўлган фуқароларга керакли тавсиялар бериб, оғир беморларни туман марказий шифохонасига ётқизиш учун юборамиз. Шахобчамиз 3 та постдан иборат. Халққа туну кун малакали ва шошилинч ёрдам кўрсатамиз.

**Дилором ТЎЙЧИЕВА,**
**«Бобур» ҚВПси лаборанти.**

— Шу соҳада 10 йилдан бери меҳнат қиламан. Ҳар йили тиббиётда бўлаётган ўзгаришларни кўриб, уларнинг амалий натижаларидан қачон баҳра оларканмиз, деган умид билан ишлардим. Қарангки, ҳеч қанча вақт ўтмай бу орзу ҳаваслар рўёбга чиқа бошлади. «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида ҚВПнинг умумий кўриниши ва хизмат кўрсатиш даражаси тубдан ўзгариб, аҳоли учун, қолаверса шу ерда ишлаётган барча ходимлар учун кенг имкониятларга эшик очди. Жумладан, лаборатория хоналарининг замонавий типда, янги таҳлил-текширув аппаратлари билан таъминланиши, тўғриси ишларимизни бир неча баробарга камайтирди. Бу технологияларнинг олиб келиниши, табиийки, бизни янада кўпроқ ўрганиш ва билим савиямизни оширишга ундади. Шу сабабли бир неча бор Гулистон тиббиёт коллежи қошида очилган ўқув курсларида малака ошириб қайтдим. Авваллари таҳлил аппаратларининг касалликни аниқлаш даражаси камроқ эди. Ҳозирги тиббий асбоб-ускуналар эса ўзининг афзаллиги ва тезкорлиги билан кўп енгилликларни туғдирмоқда. Айниқса, қандли диабет, гепатит, гемоглобин, ферментлар ва камқонлик сингари касалликларга ташхис қўйишда Screen Master аппаратидан фойдаланаётганлигимиз ишимизнинг сифатли бажарилишида ёрдам бермоқда.



Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
ADB
Осиё тараққиёт банки
gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2006 й
№ 4
«Саломатлик — 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health — 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

**Феруза ОВЛАКИМОВА, ўқитувчи.**

– Сурункали буйрак касаллиги билан оғриб, ҳудудимиздаги "Зафаробод" қишлоқ врачлик пунктида рўйхатда тураман. Муассасанинг кундузги стационарида тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг кўрсатган ёрдамлари билан даволаниб чиқаман. Уларнинг меҳрибон ва хушмуомалалиги ҳамда ўз касбларини масъулият билан бажаришлари тиббиёт тизимидаги туб ўзгаришларнинг яққол ифодасидир. Бу эса ҳукуматимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирламчи бўғинга бўлган эътиборининг натижаси бўлса керак. Оила аъзоларимиз билан ушбу тиббиёт муассасаси ходимларига ниҳоятда меҳр қўйганмиз. Қайнонам ҳам астма касаллиги билан оғригани туфайли доимо уларга мурожаат қилиб турадилар. Ҳатто касаллик хуруж қилганда бевақт бўлсада тиббиёт ходимлари тезда ёрдамга келишади. Ана шундай ҚВПни ташкил этишда, халқ соғлиги учун малакали кадрларни етиштиришда беминнат хизмат кўрсатаётган мутасадди раҳбарларга ўз ташаккуримни билдираман.



# МОЛИЯВИЙ АҲВОЛНИ ЯХШИЛАБ



***«Саломатлик-1» лойиҳасининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш муассасаларида молиялаштириш ва бошқарув тизимини ислоҳ қилиш компонентига биноан вилоятдаги барча ҚВПларда менежер штатларининг ташкил этилганлиги ва муассасанинг юридик мақомга эга бўлиши фаолиятлар кўламининг аввалгиларга қараганда анча осон кечаётганлигидан дарак беради. Шу тариқа кўпгина ҚВПлар лойиҳада кўрсатилган компонентлар бўйича ушбу жараёнларни кечиктирмай олиб бормоқдалар.***

**Шарифа САИДБЕКОВА,**
**Юлдуз қишлоқ врачлик пункти менежери.**

— Ҳозир ишлар авжида. Олти ойлик ҳисобот, ходимларнинг молиявий аҳволи, муассасанинг моддий-техник базасини бойитиш, молиялаштириш сиёсатини олиб бориш сингари ҳисоб-китоб ишлари касбимизга нисбатан жиддийроқ ёндашишга ундайди. Чунки, олдинлари асосий ишлар туман марказий шифохонаси билан боғлиқ бўларди. Эндиликда эса юридик мақомга эга бўлишимиз туфайли барча ишлар ҚВПнинг ўзида амалга ошириладиган бўлди. Ҳудудда аҳолининг кўплиги сабаб, муассасада ходимлар сафини кенгайтириш, уларнинг малакасини ошириш, моддий қўллаб-қувватлаш, кадрлар муаммосини ҳал қилиш каби масалаларни ҚВП мудири билан биргаликда кўриб чиқиб, имконият даражасида ечим топишга ҳаракат қиламиз. Ундан ташқари, ташкилий ишларни кўнгилдагидек олиб бориш, яъни ҚВП бюджетларини жон бошига молиялаштириш, моддий-техник базани кенгайтиришда ҳомийлар кўмагига суяниш, иш ҳақи ставкаларини меҳнатга яраша баҳолаш каби амалий ишлар бевосита муассасанинг бугунги ва эртанги манфаатлари учун хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Робия ИСМОИЛОВА,**
**катта ҳамшира.**

— Биринчи навбатда ҚВПмизда ходимлар учун барча шароитлар мавжуд бўлса, иккинчи ўринда аҳоли манфаатлари ва саломатлигига хизмат қиладиган кўпгина қулайликлар муҳайё. Бу мақтаниш эмас. Чунки, қаерда тоза муҳит шаклланса, у ерда албатта яхши томонга қараб ўзгаришлар бўлиши турган гап. Аҳамият бераётган бўлсангиз, ҳамширалик ишида оила ҳамшираси деган тушунча жуда катта мазмунга эга. Жумладан, ҚВПларнинг ташкил этилиши ҳам аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини ва тиббиёт ходимлари меҳнатига қаратилган эътиборни кучайтиради. Оила ҳамширасининг кундалик фаолияти асосан аҳоли билан узвий боғланган. Чунки, халқ билан ҳамнафас ишлаш бир томондан тажрибани бойитса, яна бир томони мавжуд касалликларнинг олди олинишида асосий омил ҳисобланади.

Здравоохранение Узбекистана

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
Осиё тараққиёт банки
gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2006 й
№ 4

**«Саломатлик — 2»**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**

«Health — 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

*Тошкент вилояти*

*«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» дастури амалда*

# ҲОМИЙНИНГ БЕМИННАТ ХИЗМАТИ

***«Аёл ҳам оиланинг, ҳам жамиятнинг кўзгусидир», деган эди донишмандлардан бири. Ҳақиқатда ҳам аёлсиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. У гўзаллик, меҳрибонлик ва шижоат дунёсида такрорланмас табиатнинг бир инъомидир. Айниқса, оналик бобида унга тенг келадиган бирор бир зот топилмаса керак. У ўз вужудида етмиш икки томири ила зурриёдини тўққиз ойу тўққиз кун асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Шу ўринда соғлом онадан соғлом фарзанднинг туғилишида давлатимиз белгилаб берган чора-тадбир ва амалий ёрдамларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Шундай экан, бу борада республика тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича узлуксиз жараёнлар, амалий ислоҳотлар асосида кўпгина ишлар қилиб келинмоқда...***



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳаларининг ҳамкорликда амалиётга татбиқ этилаётганлиги тиббиёт тизимидаги ишларни янада ривожланишидан далолат бериб турибди. Сизда **лойиҳа дастурида ўз ифодасини топаётган ижобий ишлар кимлар томонидан мавжуд имконият ва шароитларга эга бўляпти,** деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Яқинда биз Тошкент вилояти, Бекобод туманининг марказий шифохонаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида бўлганимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Дастурнинг 55-бандида аёллар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, гематология ва қон қуйиш станцияларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли дастурни амалга ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилган эди. Ана шу банд асосида марказий шифохонанинг туғруқхона бўлимида, қон қуйиш станциясида муайян ишлар юзага келаётганлигини ўз кўзимиз билан кўришга муваффақ бўлдик. Муассаса кимлар томонидан яратилди, дея мутасадди раҳбарларга юзланамиз. Шу аснода биз Бекобод туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлимидан чиқиб, гинекология бўлимига кириб борар эканмиз, муассасанинг ҳавас қилса арзигулик тиббиёт муассасалари каби бунёд этилиши аёллар ва болалар соғлиги йўлида қилинаётган ишларнинг амалий исботи, деб билдик. Марказий шифохона бош шифокори Ҳусан Тўрабековдан муассасанинг асосий ҳомийси ким экан, дея сўраганимизда у киши вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатининг беминнат хизматлари сингаётганлигини фахр билан тилга олди.

Бўлим заллари ва беморлар даволанаётган хоналардаги сифатли, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозларнинг мавжудлиги ҳақиқатда ҳам ҳомийликни савоб деб билган Ўзбекистон металлургия комбинати жамоасининг хайрли ишларидан бири эканлигига ҳурматимиз ошди. Гинекология бўлими бошлиғи Фотима Аҳмедова аёллар саломатлиги учун яратилган бу каби кенг ва қулай имкониятлар, етарли шароитлар она ва бола соғлиги учун муҳим роль ўйнашини айтиб, ҳомийлик ҳимматини кўрсатган ана шундай олижаноб инсонлар меҳнатига ўз ташаккурини айтди. Ҳомиладор аёллар билан суҳбатда бўлар эканмиз, уларнинг чеҳралардаги мамнунлик туйғуси тиббиёт ходимларининг уларга кўрсатаётган тиббий ёрдами ҳамда саховатпеша инсонларнинг холисона қилаётган хизматлари бугун эмас, балки эртанги авлодлар ва фарзандларимиз учунлигини ифода эта оларди.

Демак, асосий пойдеворни бунёд этишда Ўзбекистон металлургия комбинати жамоасининг ҳиссаси катта бўлган бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» (Осиё тараққиёт банки) лойиҳаси томонидан тез кунларда замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг келтирилиши ҳам республикада аёллар ва болалар соғлигига бўлган эътиборнинг энг асосий мақсадларидан бири эканлиги яққол кўзга ташланади.



**Дид билан жиҳозланган ошхона даволанаётган беморлар қалбига завқ ва шавқ бағишлайди.**

Сафаримиз давомида комбинат раҳбари Александр Фармонов билан суҳбатда бўла олмадик. Лекин ана шундай саховатпеша ва холис ниятлар билан савоб ишга қўл ураётган инсон билан учрашиш ниятида бўлиб, унинг халқимиз манфаати йўлидаги беминнат хизматлари бардавом бўлишини ва албатта, ҳомийлик ҳимматининг эзгу йўллари ҳар бир инсон қалбида уйғонишини истаб қоламиз.

**2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон Металлургия комбинатининг кўрсатаётган ҳомийлик ҳиммати:**

*Жами 870 миллион сўм маблағ ажратилган;*
*500 миллион сўмга марказий туман шифохонасининг гинекология, реанимация, терапия, лаборатория, марказий стерилизация, қон қуйиш бўлимлари ва дорихона жорий таъмирдан чиқарилди ҳамда барча бўлимлар қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди.*
*Деҳқонобод, Хос, Ғалаба, Ўзбекистон, Далварзин, Авангард ҚВПлари капитал таъмирланмоқда ва уларга 200 миллион сўм маблағ ажратилган.*
*Болалар шифохонасини таъмирлаш учун 150 миллион сўм ажратилган.*
*Тез ёрдам бўлими учун 2 дона ДАМАС автомашинаси олиб берилди.*
*Силга қарши кураш диспансерининг янги биноси қурилиб, ишга туширилди.*

*Далварзин қишлоқ врачлик пункти*

# МАСЪУЛЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР





**Далварзин қишлоқ врачлик пунктининг ташқи кўриниши.**

Ҳар бир вилоят аҳлининг ўзига хос табиати, инсоний фазилати, дунёқараши ва жамиятда тутган ўрни бор. Айниқса, қишлоқ шароитида яшаётгани нсонлар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлганингда улардаги оққўнгиллик, самимийлик, меҳрибонлик ва меҳмондўстлик – инсон деган тушунчанинг мазмун-моҳиятини очиб беради, десак янглишмаган бўламиз.

Ана шундай фазилатларга хос бўлган инсонларни Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги Далварзин қишлоқ врачлик пункти ҳудудида учратдик. Қишлоқ врачлик пунктига бир неча чақирим юриб келар эканмиз, йўл ёқасида ўзаро гаплашиб турган қарияларни суҳбатга тортдик. Етмиш ёшли отахоннинг завқли гапларини тинглаб ҳавасимиз келди. Чунки, отахон ҚВП қишлоқ аҳолиси учун 4 йилдан буён хизмат қилаётганлиги, шифокор ва ҳамшираларнинг ширинсўзлиги ҳамда оилаларга бориб, улар ҳолидан тез-тез хабар олишларини фахрланиб гапирди. Қолган отахонлар ҳам ҳамсуҳбатларининг фикрларини тасдиқлашди. Бунинг исботи сифатида ҚВПга кириб борар эканмиз, аввало, бир кунда қабулга келадиган беморлар рўйхатини кўздан кечирдик. Худди шу куни 25 нафар фуқаро келиб, турли муолажа ва тавсияларни олиб кетганлигини амалдаги йўқлама дафтарида рўйхатга олинганлигининг гувоҳи бўлдик.

60 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти ҳудудида 6492 нафар аҳоли истиқомат қилар экан. Уларга 3 нафар шифокор, 9 нафар ҳамшира ҳамда 2 нафар кичик тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади.

— «Саломатлик-2» лойиҳасининг вилоятимизда жорий қилиниши бизни янада чуқур масъулият ҳамда эътибор билан ишлашимизни талаб қилмоқда, — дейди ҚВП мудири Ҳабибулла Норматов. — Асосий мақсад, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини ўз вақтида олиб бориш, аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш, оилалар билан ҳамжиҳатликда ишлаш ва уларнинг соғлиги учун биз ҳамда ўзлари масъул бўлишдан иборатдир. Бунинг учун биз барча имкониятларимизни ишга солганмиз, айниқса, ҳамшираларимиз уйма-уй юриб, мавсумий касалликлар тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Тиббиётда ҳеч қачон мақтаниш керак эмас, чунки бизнинг ишимиз узлуксиз давом этади. Шунинг учун муаммоларимиз ҳам бисёр. Албатта, бу муаммоларни бартараф этиш ўзимизга боғлиқ. Аввало, билимимиз устида ишлаш, касбга бўлган иштиёқни ошириш ва инсон соғлиги учун масъуллигимизни бурч ва қасамёд олдида ҳис этишимиз зарур.



**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».**
**Директор – Расулов Нуғмон Нигматуллаевич.**
**700007,**
**г. Ташкент,**
**ул. Паркентская, 51,**
**ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.**
**Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.**
**Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.**

**Над спецвыпуском работали: И. СОАТОВА, Н. ТОЛИПОВ, Х. РАББАНАЕВ.**
**Фото: А. НУРАТДИНОВА.**

# ВНЕДРЕНИЕ ФОРМУЛЯРНОЙ СИСТЕМЫ В СТРУКТУРУ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

| | | |
|---|---|---|
| | ***Витамины*** | |
| 96 | Ретинол | капс 3300 МЕ, 5000МЕ, 100000МЕ |
| 97 | Рибофлавин | таб. 0,002г, 0,1г |
| | | амп 1% по 1 мл |
| 98 | Пиридоксин | таб. 0.002г, 0,01г, 50мг |
| | | амп 1%, 5%, по 1 мл |
| 99 | Тиамин бромид | амп 2.5%, 5% по 1мл |
| 100 | Фолиевая кислота | таб. 0.001г, 0,005мг, 0,4мг |
| 101 | Аскорбиновая кислота | амп. 5% и 10% по 1мл |
| | | таб. 100мг, 250мг, 500мг, 1000, драже 500мг, гранулы 500мг |
| | | пор (субст) |
| 102 | Никотиновая кислота | таб. 500мг |
| | | пор. (субст) |
| | | амп 1% по 1 мл |
| 103 | Токоферол | р-р масл 10%, 50% в капсулах 0,2 г |
| | | капс 100мг, 200мг,400мг |
| | | фл. 30% 20мл |
| | | капс. 400мг |
| | | пастилки 100мг |
| 104 | Эргокальциферол | драже 500 МЕ |
| | | масляный р-р 0,0625% и 0,125% |
| | | спиртовый р-р 0,5% 5мл фл. |
| | **ФЕРМЕНТЫ И АНТИФЕРМЕНТНЫЕ СРЕДСТВА** | |
| **105** | Панкреатин | таб. 0.25г 3500ед |
| | | капс.10000ед 150мг,и 25000ед, 150мг |
| | ***Препараты для парентерального питания, аминокислоты*** | |
| 106 | Растворы аминокислот | р-р д/инф. 250мл, 500мл во фл |
| 107 | Декстроза | амп. 40% по 5мл, 10мл, 20мл |
| | | р-р д/инф. 5% по 200мл, 250мл,400мл 500мл во фл |
| | | р-р д/ин 10% по 200мл, 250мл, 400мл, 500мл во фл. |
| | | таб. 100мг, 500мг |
| | | пор. (субст) |
| 108 | Альбумин человеческий | р-р для инф.10% - 50мл, 100мл во фл. |
| | **ПЛАЗМОЗАМЕНИТЕЛИ И СОЛЕВЫЕ РАСТВОРЫ, РАСТВОРИТЕЛИ** | |
| 109 | Декстран 70, 40 | р-р д/инф. 6% во фл. по 200мл , 400мл |
| 110 | Натрия соли | пор. (субст) |
| | | таб.0,5 |
| | | р-р д/инф. 0,9% 250мл, 400мл, 500мл во фл. |
| | | амп 0,9% по 5мл, 10мл |
| | | амп 0,9% по 10мл |
| 111 | Дисоль | р-р д/инф.200мл, 400мл, во фл |
| 112 | Трисоль | р-р д/инф.200мл, 400мл во фл |
| 113 | Ацесоль | р-р д/инф.200мл, 400мл во фл |
| 114 | Вода для инъекций | амп. по 5мл |
| | | амп. по 10мл |
| 115 | Регидрон: | пор.в пакетиках 20 штук |
| | Натрия хлорид 3,5 г | |
| | Натрия цитрат 2,9 г | |
| | Калия хлорид 2,5 г | |
| | Глюкоза безводная 10,0 г | |
| | **ПРЕПАРАТЫ ДЛЯ КОРРЕКЦИИ КИСЛОТНО-ОСНОВНОГО СОСТОЯНИЯ И ИОННОГО РАВНОВЕСИЯ** | |
| 116 | Калия соли | амп. 4% по 10мл, 7,5% по 20мл |
| | | драже |
| | | р- д/инф 4%во фл. |
| | | таб. 0,5г,0,1г |
| | | пор. (субст) |
| 117 | Кальция соли | пор. |
| | | амп. 10% по 5мл,10мл |
| | | капс 15мг и таб 0,5г, 0,1г |
| 118 | Магния соли | амп. 25% по 5мл,10мл, 20мл |
| | | пор. (субст) |
| | **СРЕДСТВА, СТИМУЛИРУЮЩИЕ ЭРИТРОПОЭЗ** | |
| | ***Препараты содержащие железо*** | |
| 119 | Кобавит | таб. 0.005г, 0,01г |
| 120 | Эпоэтин бета | р-р д/ин. 4000 ЕД 1 мл и 3000МЕ 1мл во фл |
| | | шприц 1000 и 2000 ЕД 0,5 мл; и 3000ЕД 0,3мл, 4000Ед0,4мл |
| | **СРЕДСТВА, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИММУНИТЕТ** | |
| 121 | Иммуноглобулины | |
| 122 | Вакцины | |
| 123 | Сыворотки | |
| 124 | Анатоксины | |
| | **СРЕДСТВА, ПРИМЕНЯЕМЫЕ ПРИ ОТРАВЛЕНИЯХ И ИНТОКСИКАЦИЯХ** | |
| 125 | Унитиол | амп. 5% по 5мл |
| 126 | Уголь активированный | таб. 250мг |
| | **СРЕДСТВА ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ ИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ** | |
| | ***Антибиотики*** | |
| 127 | Бензатинбензилпенициллин | пор. д/ин. 600000 ЕД и 1500000ЕД, 2400000 во фл. |
| 128 | Ампициллин | пор. д/ин. 0,25г, 0,5г,1,0г во фл. |
| | | таб. 250мг,500мг |
| 129 | Амоксициллин | капс. 250мг,500мг |
| | | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г во фл. |
| | | сироп 125/5мл по 100мл |
| | | сусп 250мг/5мл по 60мл во фл |
| | | таб. 500мг |
| 130 | Амоксициллин + кк | пор д/инпо 0,6г, 1,2г во фл |
| | | сусп во фл 156мг/5мл по 100мл и форте сусп по 100мл |
| | | таб. 375мг,625мг |
| 131 | Цефазолин | пор. д/ин. 0,5г,1г во фл |
| 132 | Цефотаксим | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г во фг |
| 133 | Цефоперазон | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г,2,0г, во фл |
| 134 | Цефтриаксон | пор. д/ин. 0,5г 1г во фл |
| 135 | Гентамицина сульфат | амп. 40 мг,80мг по 2 мл |
| | | мазь 0,1% |
| | | гл. капли 0,3 % |
| | | пор. |
| 136 | Тетрациклин | таб. 100мг, 200мг,250мг |
| | | мазь глазная 1% и мазь 3% |
| | | капсулы 100мг,50мг |
| 137 | Доксициклин | капс.100мг |
| | | р-р, и таб.100мг, 200 мг |
| | | сироп 10мг/мл 60мл для приема внутрь |
| | | фл.100 мг 5 мл |
| 138 | Эритромицин | таб. 100мг, 250мг, 500мг |
| | | мазь 10000 ЕД/1г |
| | | сусп. 125мг/5мл, 250мг/5мл, 400мг/5мл для приема внутрь |
| | | пор для приг сусп во фл 125 мг/5мл, 200мг/5мл |
| | | пор д/ин во фл 0,1г |
| 139 | Азитромицин | таб. 250мг, 500мг |
| | | сусп. 125мг/5мл, 250мг/5мл |
| 140 | Линкомицин | мазь 2% |
| | | капс. 0,25г |
| | | р-р, амп. 30%, по 2мл |
| 141 | Хлорамфеникол | порошок (субст) |
| | | таб. 0,25г,0,5г и капс250мг |
| | | мазь |
| | | Линимент 5%, 10% |
| | | свечи |
| | | пор. д/ин 1г 0,5г во фл |
| | | гл капли 0,25% во фл по 5, 25 мл |
| | **АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫЕ СИНТЕТИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА** | |
| | ***Сульфаниламидные препараты*** | |
| 142 | Сульфацил – натрий | пор., гл. капли 20%по 1,5мл, 10мл |
| | | 30% по 1,5мл, 30% по 5мл |
| | | пор. (субст) |
| | ***Фторохинолоны*** | |
| 143 | Пефлоксацин | таб. 400мг |
| | | амп. 5мл (400мг) |
| 144 | Ципрофлоксацин | таб. 250мг, 500мг |
| | | р-р д/инф 200мг/100мл во фл |
| | | гл. капли фл 0,3% по 5мл |
| | | амп. 100мг/10мл |
| | **ПРОТИВОВИРУСНЫЕ СРЕДСТВА** | |
| 145 | Интерферон | амп. 1000 МЕ, 1млн МЕ,3млн МЕ, 5млн МЕ |
| | | амп. 4,5 млн. МЕ, 9 млн. МЕ, 6 млн.МЕ, 10млн.МЕ и 18млнМЕ,30млнМЕ |
| 146 | Интерферон альфа-2а | 3млн МЕ/0,5мл 1фл |
| | | свечи 0,15млнМЕ, 0,5млн МЕ, 1млнМЕ, 3млн МЕ |
| | ***Противопротозойные средства*** | |
| 147 | Метронидазол | таб. 200мг,400мг,500мг |
| | | фл д/инф 500мг/100мл |
| | | 500 мл,20мл |
| | | сусп. |
| | | свечи ваг 500мг |
| | | гель 1% |
| | **АНТИСЕПТИЧЕСКИЕ И ДЕЗИНФИЦИРУЮЩИЕ СРЕДСТВА** | |
| 148 | Йод | пор. р-р. 5% 10мл |
| 149 | Пергидроль | р-р 33-37% |
| 150 | Малахитовый зелёный | пор.,1% р-р 20 мл |
| 151 | Хлоргексидин | р-р 0,05% по 100мл |
| 152 | Кальция гипохлорид | порошок 100г |
| 153 | Хлорамин Б | порошок |
| 154 | Хлорная известь | порошок 100г |
| 155 | Левомеколь | крем в тюбиках 40г |
| 156 | Спирт этиловый | 96,60% |
| 157 | Кислород | баллон |
| 158 | Раствор аммиака 25% | |
| 159 | Муравьиная кислота | фл. 50 мл. |
| 160 | Формалин | кг |
| | **ПРОТИВООПУХОЛЕВЫЕ СРЕДСТВА** | |
| | ***Алкилирующие вещества*** | |
| 161 | Циклофосфамид | таб. 50мг |
| | | пор д/ин 200 мг, 500мг во фл |
| 162 | Дакарбазин | пор д/ин 100 мг ,200мг,500мг 1000 мгво фл |
| 163 | Карбоплатин | р-рд/ин 50мг по 5мл,и 150мгпо 15мл, 450мг по 45 мл во фл |
| 164 | Цисплатин | пор. д/ин.5мг, 10мг, 20мг, 10мл, 20мл и 25мг по 50млво фл |
| | | р-р д/ин 50мг по 100 мл, 100мг по 100мл во фл |
| | | р-р д/ин 1мл 0,5мг во фл |
| | ***Антиметаболиты*** | |
| 165 | Метотрексат | таб. 2,5мг,10мг |
| | | амп 10мг/мл и ,50мг/2мл |
| | | таб. 10мг. 2,5мг |
| | | р-р д/ин 500мг/5мл , 1000мг/10мл и 5000мг/ 50мг во фл |
| 166 | Фторурацил | р-р д/ин 250мг/5мл и 500мг/10мл 1000 мг/20мл,5000мг/100мл во фл |
| 167 | Капецитабин | таб. 150мг,500мг |
| 168 | Гемцитабин | пор. пиоф д/ин.. 200мг и 1гр во фл |
| 169 | Цитарабин | р-р д/ин. 100мг 5мл , 500мг,1000мг во фл |
| | ***Противоопухолевые антибиотики*** | |
| 170 | Доксорубицина гидрохлорид | пор. д/ин 10мг/5мл, 50мг/25мл во фл |
| | | таб. 10мг |
| 171 | Эпирубицин | пор. лиоф. д/ин 10мг 50мг во фл |
| 172 | Кальциум фолинат | капс 15 мг, |
| | | р-р 3мг/1мл ,5мл и 50мг/5мл,100мг/10мл в амп |
| | ***Алкалоиды и другие вещества растительного происхождения, оказывающие цитостатическое действие*** | |
| 173 | Винбластин | пор. д/ин., амп., фл. 5мг,10мг |
| 174 | Винкристина сульфат | пор.д/инъек., р-р, фл. 0,5мг |
| | | фл.1мг,2мг |
| 175 | Этопозид | фл.50, 2,5мл,100мг 5мл |
| | | 10мл для приёма внутрь |
| | | р-р д/ин.5мл,1мл 20мг |
| 176 | Паклитаксел | фл 5мл |

(Продолжение следует).



*Кутлаймиз!*

**Хурматли Матлуба Ҳакимовна!**

*Сизни таваллуд айёмингиз, яъни қутлуғ 50 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Келгуси ишлариngизда улкан муваффақиятлар тилаб, азиз бошингиз омон, ҳаётингиз фаровон бўлишини истаб қоламиз.*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**

*Хотира уйғонса гўзал*

# УМР МАНЗИЛИНИНГ ЎТМИШИ...



Илёс дўхтир деганда биз болаликдан ўзининг беғубор самимияти, ширинсуханликда ҳеч ким унинг олдига тушолмайдиган ажойиб бир инсонни эсга оламиз. Ана Илёс дўхтир келяпти, келинглар биз биринчи бўлиб салом бериб оламиз, деб ҳарчанд уринмайлик, барибир кечикиб қолардик. Илёс ака ўзининг салобати ва айни дамда дилкаш инсонлиги билан бизни мафтун қилиб қўяр, то биз эс-ҳушимизни йиғиб олишга ҳам улгурмай, уларнинг "Ассалому алайкум" деб майин табассум қилганча ўтиб кетишлари бизни ҳамиша доғда қолдирарди. Энг қизиғи, бу одамнинг ёш болаларга ҳам олдиндан салом бериб ўтишлари тарки одат бўлиб, бу хатти-ҳаракатларда заррача бўлсин кибру ҳаво, манманлик ёки ёшларга танбеҳ бериб ўтишдек маънонинг ўзи йўқ эди.

Тошкент шаҳридаги шайх Шивли бува маҳалласида истиқомат қиладиган кекса-ю ёш Илёс Фозилов кимлигини яхши билади.

... Илёс Фозилов 1906 йилнинг 1 июнь куни Тошкент шаҳрининг Юнусобод (собиқ Киров) туманида истиқомат қилувчи Фозил табиб оиласида дунёга келади. 1922 йили ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг тиббиёт факультетига ўқишга киради. 1930 йили ўқишини 1-Москва давлат тиббиёт институтига кўчиради ва шу ерда олий тиббий маълумотга эга бўлиб, дастлабки иш фаолиятини участка болалар шифокори сифатида олиб борган. 1932 йилдан 1935 йилга қадар Тошкент Давлат тиббиёт институтининг болалар госпитал педиатрияси клиникасида клиник ординатор, маълум вақт 4-поликлиникада участка врачи, Ижтимоий гигиена институтида ходим, "Медицинская мысль" (Тиббий фикр) журнали таҳририятида ва республика санитария маорифи уйида ишлаган. 1935-1939 йиллар давомида собиқ иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Узоқ Шарқ ўлкасига сафарбар қилиниб, Чита шаҳар касалхонасида ўз иш фаолиятини давом эттиради. 1939 йилдан 1941 йилга қадар ТошДавТИнинг госпитал педиатрияси клиникаси қошидаги аспирантурага киради. Иккинчи жаҳон уруши бошланган машъум дамларнинг иккинчи кунидаёқ кўнгилли бўлиб фронтга жўнайди ва у ерда полк врачи сифатида жангчиларни даволайди. 1943-1944 йиллари ТошДавТИда бош шифокор лавозимида ишлаган. 1944 йили илмий ишини муваффақиятли ёқлаб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эришади. Шу йили яна ҳаракатдаги армия сафига сафарбар қилиниб, то 1951 йилга қадар Германия ва Австрияда фаолият олиб борган. Илёс Фозилов 1951 йилдан бошлаб дастлаб ТошДавТИ даволаш факультетининг "Болалар касалликлари" кафедрасида ассистент, кафедра доценти вазифасини бажарувчи, 1961 йилдан то нафақага чиққунга қадар мазкур олийгоҳнинг санитария факультетида кафедра мудири, профессор лавозимларида иш олиб борган.

Камсуқум, ўта илтифотли бу инсон 6 фарзандни ўстириб, катта ҳаётга йўлланма берди. Улардан бири фан доктори, икки нафари эса фан номзоди илмий даражаларига эга. И. Фозилов асосий вазифасидан ташқари, кўплаб жамоат ишларида бошқош бўлган. Аёллар саломатлиги ва гигиенаси халқ университетининг ректори, тез ҳаво ёрдамида маслаҳатчи сифатида хизмат қилган. Узоқ йиллар давомида сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш бўйича шаҳар кенгашининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб, тиббий мавзулардаги маърузалари билан қишлоқ аҳли ҳузурига чиқиб турган.

Агар Илёс Фозилов ҳаёт бўлганларида бу йил ўзларининг шонли 100 йиллик таваллуд айёмларини нишонлаган бўлар эдилар. Аммо, инсонга берилган умр шу қадар қисқаки, кўнгил тубидан жой олган ҳар турли режаларни амалга ошириш учун бир инсоннинг умри етмас экан. Илёс Фозилов табобат илмининг етук мутахассиси бўлиш билан бирга, бадиий ижодда ҳам иқтидор ила қалам тебратадиган ёзувчи эди. Замонамизнинг забардаст адибларидан бири саналган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирзакалон Исмоилий ва бошқа қаламкашлар билан яқин дўстона алоқада ҳам бўлган. Унинг қалами остида 160 дан зиёд илмий мақолалар, тиббиётга оид китобчалар нашр этилган. Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бир қатор қисса ва повестлари ўз вақтида қўлма-қўл бўлиб кетган. Айниқса, унинг "Ғурбатда ғариб..." номли асари кенг жамоатчилик томонидан севиб ўқиладиган китоблар жумласига айланиб қолган эди. Илёс Фозилов собиқ иттифоқ даврида биринчилар қатори муқаддас Макка шаҳрида Ҳаж сафарида (1967-1979 йиллар) бўлиш бахтига муяссар бўлган инсонлардан. Ва ўша кезлари собиқ шўролар мамлакати мусулмонларининг вакили сифатида муфтий ҳазратлари Зиёвуддин эшон Бобохон бошчилигидаги делегация таркибида Саудия Арабистони қиролининг қабулида бўлган.

Болалар педиатри, маҳалланинг энг фаол аъзоларидан бири саналган Илёс Фозилов хизматлари учун кўплаб давлат мукофотлари ва фахрий ёрлиқлар билан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач шарафли унвон соҳиби ҳам эди. 1983 йилнинг 23 апрель куни 77 ёшида вафот этган Илёс Фозиловнинг Ватан равнақи, тиббиётни ривожлантиришдаги хизматлари инобатга олиниб, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Шивли бува маҳалла фуқароларининг илтимосларига биноан у яшаб ўтган кўчалардан бири унинг номи билан аталди.

Ҳа, чиндан ҳам хотира уйғонса гўзал, деб бежиз айтишмайди. Мана азизлар, биз ҳам мазкур мақоламизда оддий инсонни ёдга олиш баробарида, у босиб ўтган шонли йўлга бир назар ташлаб ўтдик, холос. Зотан, Илёс Фозилов каби қалби меҳрсаховатга тўла инсонларнинг ғайрат-шижоатга тўла нурли ҳаёти каттагина китобларга жам бўлгудек нурафшон саҳифаларга тўла. Ўтганлар ёди ҳамиша бизни улардан ибрат олишга, қайси жабҳада бўлмасин, доимо олдинга интилиб яшашга ундаётган маёқдек, йўлларимизни чароғон қилиб туради.

**Миржалол МИРАЛИЕВ.**



## Инглиз тилини ўрганамиз

**Азиз ўқувчи, газетамизнинг бугунги сонидан бошлаб сизни халқаро конгресс, конференция ва учрашувларда қўлланиладиган инглиз тилидаги сўз ва иборалар билан таништиришни бошлаймиз.**

There will be an international conference in Tashkent in september. Сентябрда Тошкентда халқаро конференция бўлиб ўтади. В сентябре в Ташкенте состоится международная конференция.

Who will be at the conference from... (Great Britain, Russia, France)? (Буюк Британия, Россия, Франциядан) конференцияда ким иштирок этади? Кто участвует в конференции от (Великобритании, России, Франции)?

They were at our conference 2 years ago. Улар конференцияда бундан 2 йил олдин қатнашганлар. Они участвовали на конференции 2 года назад.

The schedule is (very) busy. Дастур (жуда) сермазмун. Программа (очень) насыщенная.

The language are you going to speak in? Қайси тилда сўзламоқчисиз? На каком языке вы будуте выступать?

Addition – қўшимча – дополнение

Agenda – кун тартиби – повестка дня

Amendment – тузатиш – поправка

Candidate – номзод – кандидат

Chairman – раис – председатель.

**Ирода ИЛҲОМОВА тайёрлади.**

## ЭЪЛОН

2006 йил 15 сентябрь куни соат 10.00да Тошкент тиббиёт академияси (Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти)нинг ректорати биносида 1966 йил Даволаш факультетини тугатган шифокорлар учрашуви ўтказилади.

**Маълумот учун телефонлар: 29-06-43, 114-57-05.**

**Эркин ИСМОИЛОВ.**

# ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ



***Ўтган ҳафта Миллий Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан «Унни бойитиш бўйича миллий дастур»нинг журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги иккинчи кўриги эълон қилиниши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.***

Кўплаб ОАВ вакиллари жам бўлган мазкур анжуманда журналистларга бўлажак танловнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди. Мазкур танловнинг аввалгисидан фарқи шундаки, бу сафар қишлоқ жойларида камқонлик (анемия)нинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш ва аҳолини бойитилган ундан тайёрланган нон маҳсулотларини онгли равишда истеъмол қилиши учун тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш орқали юқори самараларга эришиш кўзда тутилган.

Танлов республика миқёсида бўлиб, унда республика, вилоят, шаҳар, туман ҳамда электрон босма ОАВда ишловчи журналистлар иштирок этишлари мумкин. Танлов 2007 йил февралида якунланади ва ғолибларга самарали профессионал фаолият учун зарур бўлган компьютер, видео ва фотокамера, диктофон, уяли телефон ҳамда DVD плеерлари топширилади.

Тақдимот маросимида иштирок этган Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти қошидаги Анемия маркази директори Дилором Сулаймонова, ЮНИСЕФнинг жамоатчилик билан ишлаш бўйича менежери Рустам Ҳайдаров, «Унни бойитиш бўйича миллий дастур» менежери Олимжон Мирҳошимов маърузаларида журналистлар эътиборини масаланинг муҳим томонларига қаратиб, ўз фаолиятлари давомида танлов Низомида белгиланган кўрсатмалар асосида ижодий иш олиб боришларида омад тиладилар.

**А. НУРАТДИНОВ.**

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

**Gazeta muassisi:**
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

Bosh muharrir: Nodir SHARAPOV.
**Ijrochi muharrir: Ibodat SOATOVA.**

Tahrir hay'ati raisi:
**Feruz Nazirov**
Tahrir hay'ati a'zolari:
**Bobur Alimov**
**Gavhar Islomova**
**Omonturdi Mirtazayev**
**Ozoda Muhitdinova**
**Mirjalol Miraliyev**
(Bosh muharrir o'rinbosari),
**Baxtiyor Niyazmatov**
**Abdurahmon Nosirov**
**Nurmat Otabekov**
**Xolmurod Rabbanayev**
**Rixsi Solixo`jaeva**
**Namoz Tolipov**
**Maryash Turumbetova**
**Abdulla Ubaydullayev**
**Farhod Fuzaylov**

**Manzilimiz:**
**700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat.**
**Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22.**
**Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.**
**Adadi 6850 nusxa.**
**O'zbek va rus tillarida chop etiladi.**

**Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart.**

**Buyurtma Г-953.**

**Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.**
**E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.**

**Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.**

**Bosmaxonaga topshirilish vaqti 20.00.**
**Topshirildi 19.00.**

1 2 3 4 5